

**СЎЗ САНЪАТИ  
ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ  
6 СОН, 3 ЖИЛД**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ  
ИСКУССТВО СЛОВА  
НОМЕР 6, ВЫПУСК 3**

**INTERNATIONAL JOURNAL  
OF WORD ART  
VOLUME 6, ISSUE 3**



**Бош муҳаррир:**

**Холбеков Муҳаммаджон**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Бош муҳаррир ўринбосари:**

**Тўхтасинов Илхом**

ф.ф.д., доцент (Ўзбекистон)

**Тахрир хайъати:**

**Назаров Бахтиёр**

академик. (Ўзбекистон)

**Якуб Умарўгли**

ф.ф.д., профессор (Туркия)

**Алмаз Улви Биннатова**

ф.ф.д., профессор (Озарбайжон)

**Бокиева Гуландом**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Миннуллин Ким**

ф.ф.д., профессор (Татаристон)

**Махмудов Низомиддин**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Керимов Исмаил**

ф.ф.д., профессор (Россия)

**Жўраев Маматкул**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Куренов Рахыммамед**

к.ф.н. (Туркменистон)

**Кристофер Жеймс Форт**

Мичиган университети (АҚШ)

**Умархўжаев Мухтор**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Мирзаев Ибодулло**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Болтабоев Ҳамидулла**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Дўстмухаммедов Хуршид**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Лиходзиевский А.С.**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Сиддикова Ирода**

ф.ф.д., профессор (Ўзбекистон)

**Шукашвили Тамар**

ф.ф.д. (Грузия)

**Юсупов Ойбек**

масъул котиб, доцент (Ўзбекистон)

**Главный редактор:**

**Холбеков Муҳаммаджон**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Заместитель главного редактора:**

**Тухтасинов Илхом**

к.ф.н., доцент (Ўзбекистон)

**Редакционная коллегия:**

**Назаров Бахтиёр**

академик. (Ўзбекистон)

**Якуб Умар оглы**

д.ф.н., профессор (Туркия)

**Алмаз Улви Биннатова**

д.ф.н., профессор (Азербайджан)

**Бакиева Гуландом**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Миннуллин Ким**

д.ф.н., профессор (Татарстан)

**Махмудов Низомиддин**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Керимов Исмаил**

д.ф.н., профессор (Россия)

**Джураев Маматкул**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Куренов Рахыммамед**

к.ф.н. (Туркменистон)

**Кристофер Джеймс Форт**

Университет Мичигана (США)

**Умархаджаев Мухтар**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Мирзаев Ибодулло**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Балтабоев Ҳамидулла**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Дўстмухаммедов Хуршид**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Лиходзиевский А.С.**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Сиддикова Ирода**

д.ф.н., профессор (Ўзбекистон)

**Шукашвили Тамар**

д.ф.н. (Грузия)

**Юсупов Ойбек**

отв. секретарь, доцент (Ўзбекистон)

**Editor in Chief:**

**Kholbekov Muhammadjan**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Deputy Chief Editor**

**Tuhtasinov Ilhom**

Ph.D. Ass. Prof. (Uzbekistan)

**Editorial Board:**

**Bakhtiyor Nazarov**

academician. (Uzbekistan)

**Yakub Umarogli**

Doc. of philol. sci., prof. (Turkey)

**Almaz Ulvi Binnatova**

Doc. of philol. sci., prof. (Azerbaijan)

**Bakieva Gulandom**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Minnulin Kim**

Doc. of philol. sci., prof. (Tatarstan)

**Mahmudov Nizomiddin**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Kerimov Ismail**

Doc. of philol. sci., prof. (Russia)

**Juraev Mamatkul**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Kurenov Rakhimmamed**

Ph.D. Ass. Prof. (Turkmenistan)

**Christopher James Fort**

University of Michigan (USA)

**Umarkhodjaev Mukhtar**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Mirzaev Ibodulla**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Boltaboev Hamidulla**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Dustmuhammedov Khurshid**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Lixodzievsky A.S.**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Siddiqova Iroda**

Doc. of philol. sci., prof. (Uzbekistan)

**Shukashvili Tamar**

Doc. of philol. sci. (Georgia)

**Yusupov Oybek**

Ass. prof. (Uzbekistan) - Senior Secretary

# МУНДАРИЖА \ СОДЕРЖАНИЕ \ CONTENT

## Адабиётшунослик / Литературоведение / Literary criticism

<b>1. Абдуллаева Ровияжон</b> НАВОИЙ ВА ГЁТЕ: ҲАЁТИЙ МУШТАРАК НУҚТАЛАР.....	5
<b>2. Атамуродова Феруза</b> ЖЕЙМС ЖОЙС ВА ЖОН ГОЛСУОРСИ АСАРЛАРИДА ХАРАКТЕР МАСАЛАСИ.....	14
<b>3. Ахмедова Шоира</b> ЎЗБЕК ВА ФРАНЦУЗ АДАБИЁТШУНОСЛИГИДА ПОРТРЕТНАВИСЛИК ТАРАҚҚИЁТИ.....	21
<b>4. Норкулова Шаҳноза</b> АЛИШЕР НАВОИЙ ҲАЗАЛЛАРИДА КЎЗ ТИМСОЛИ.....	29
<b>5. Турсунова Наргиза</b> АЛЬБЕР КАМЮНИНГ «АТИПИК» РОМАНИ.....	34
<b>6. Holbekov Mukhammadjon</b> PERCEPTION AND INTERPRETATION OF CREATIVITY OF ALISHER NAVOI IN FRENCH ORIENTAL STUDIES.....	40
<b>7. Холиков Баходир</b> ИЖТИМОЙ-АХЛОҚИЙ МУАММОЛАРНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИДА ЁЗУВЧИ ИНДИВИДУАЛЛИГИ.....	51
<b>8. Сайымбетов Шарафатдин</b> XX ЭСР ЕКИНЧИ ЯРЫМИ ҚАРАҚАЛПАҚ ПОЭМАЛАРЫНДА ТРОПЛАРДЫҢ ҚОЛЛАНЫЛЫҢ ОЗГЕШЕЛИКЛЕРИ.....	57
<b>9. Эрназарова Гулноза</b> ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИНИНГ МЕДИАТИВ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ.....	63

## Тилшунослик / Языкознания / Linguistics

<b>10. Абдурахимова Феруза Бохадировна</b> БАЪЗИ СТИЛИСТИК ВОСИТАЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ХУСУСИДА.....	68
<b>11. Абузалова Меҳринисо, Аҳмадова Умидахон</b> ПЕРИФРАЗЛАР ВА УНГА ЁНДОШ ҲОДИСАЛАР ХУСУСИДА.....	76
<b>12. Анарбаев Орзубек</b> ИНГЛИЗ ТИЛИДА НЕОЛОГИЗМЛАР ҲОСИЛ БЎЛИШИДА КЎШМА СЎЗЛАР САМАРАДОРЛИГИГА ДОИР.....	82
<b>13. Ахмедова Гулноза</b> ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ҚОЛИП-ГАПЛАРНИ ҚИЁСЛАБ ЎРГАНИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ.....	88
<b>14. Зоиров Алишер</b> НЕМИС ТИЛИДА ТАКСИС-ЗАМОН ИФОДАСИ ВА УЛАРНИНГ ЎЗБЕКЧА МУҚОБИЛЛАРИ.....	98
<b>15. Кошева Дилрабо</b> ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ НУТҚ ФЕЪЛЛАРИНИНГ ЛЕКСИКОГРАФИК ТАЛҚИНИ.....	106
<b>16. Маматова Феруза</b> ЭВФЕМИЗМЛАРНИНГ ТАЪРИФИ ВА ҚЎЛЛАНИЛИШИ.....	116
<b>17. Очилова Меҳринисо</b> ЭЛЕКТРОН ЛУҒАТ – ЛЕКСИКОГРАФИЯ РИВОЖИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ МАҲСУЛИ.....	124
<b>18. Рисаева Оксана</b> АСПЕКТУАЛЬНЫЕ СИТУАЦИИ С УЧАСТИЕМ СОЧЕТАНИЙ С ФУНКЦИОНАЛЬНЫМ ГЛАГОЛОМ GEBEN В СОВРЕМЕННОМ НЕМЕЦКОМ ЯЗЫКЕ.....	131

<b>19. Хамидов Лутфулло</b> БАНК ФАОЛИЯТИГА ОИД МАТНЛАРНИНГ ЛЕКСИК ХУСУСИЯТЛАРИ.....	136
<b>20. Хасанова Гулрух</b> ДИАЛОГИК НУТҚ ШАКЛЛАРИ ҲУСУСИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР.....	145
<b>21. Якубова Ноира</b> ТУРИЗМГА ОИД ТЕРМИНЛАРНИНГ ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ СЎЗ БИРЛИКЛАРИНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ.....	152
<b>22. Яхъяева Наврўза, Урунов Бекзод</b> МЕДИАМАТН – АХБОРОТНИНГ СИФАТИНИ БЕЛГИЛОВЧИ ВОСИТА.....	158

### **Таржимашунослик / Переводоведение / Translation Studies**

<b>23. Муҳамедов Азизбек</b> ЕВРОПА ВА ЎЗБЕК ТАРЖИМАШУНОСЛИГИ ТАРАҚҚИЁТИ (1991-2019 ЙИЛЛАР).....	165
<b>24. Насырова Саодат</b> ПЕРЕВОД ОБЩЕСТВЕННО-ПОЛИТИЧЕСКОЙ ТЕРМИНОЛОГИИ КИТАЙСКОГО ЯЗЫКА КАК ПРОЦЕСС НОРМОТВОРЧЕСКОЙ ПРАКТИКИ В КОНТЕКСТНЫХ МОДЕЛЯХ.....	172
<b>25. Tursunkulov Sanjar</b> TARJIMADA O'ZIGA XOS STILISTIK JIHATLARNING REALIYALAR YORDAMIDA BERILISHI.....	183
<b>26. Элова Умида</b> “ГАЙАВАТА ҲАҚИДА ҚЎШИҚ” ДОСТОНИ ТАРЖИМАЛАРИДА ЎЗИГА ХОС ХИЛМА – ХИЛЛИКНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ ВА ТАРЖИМА МАСАЛАЛАРИ.....	190

### **Санъат ва Журналистика / Искусство и журналистика / Arts and Journalism**

<b>27. Мусаева Нодира</b> АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИ ФАОЛИЯТИДА МАНИПУЛЯЦИОН СТРАТЕГИЯЛАР АҲАМИЯТИ.....	199
--	-----

### **Лингводидактика ва методика / Лингводидактика и методика / Lingvodidactics and Methods**


<b>28. Вохидова Нигора</b> ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИННОВАЦИОННЫХ МЕТОДОВ ОБУЧЕНИЯ НА УРОКАХ РУССКОГО ЯЗЫКА В ГРУППАХ С НЕРУССКИМ ЯЗЫКОМ ОБУЧЕНИЯ.....	204
<b>29. Арзикулова Хуршида</b> “СИД” ТРАГИКОМЕДИЯСИ ҚАҲРАМОНЛАРИНИНГ ХАЛҚПАРВАЛИГИ.....	213
<b>30. Палымбетов Камалбай Сарсенбаевич</b> «ҚОБЛАН» ДЭСТАНЫНДА ПАРАЛЛЕЛИЗМЛЕРДИҢ ҚОЛЛАНЬЛИҒЫ (Қарақалпақ версиясы мысалында).....	220
<b>31. Азимова Сайёра Хусанбоевна</b> НУТҚ АКТЛАРИ ВА КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯ: “РАД ЖАВОБИНИ БИЛДИРУВЧИ” ИЛЛОКАТЦИОН ҲАРАКАТНИ ПРАГМАТИК ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ.....	227
<b>32. Шарипова Дилноза Шавкатовна</b> РАМЗ ВА МЕТАФОРАНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТИ.....	232
<b>ИЛМ ВА ТАЪЛИМГА БАХШИДА УМР.....</b>	239

# СЎЗ САНЪАТИ ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА INTERNATIONAL JOURNAL OF WORD ART

**Шарипова Дилноза Шавкатовна**

Табиий йўналишларда чет тили кафедраси  
катта ўқитувчиси Бухоро далаат университети  
e-mail: dilnoza-shavkatovna1976@mail.ru

## РАМЗ ВА МЕТАФОРАНИНГ ЎЗАРО МУНОСАБАТИ

 <http://dx.doi.org/10.26739/2181-9297-2020-6-32>

### АННОТАЦИЯ

Мақолада маданий бирлик бўлган рамзларнинг шаклланиши ҳамда тараққиёт босқичлари бўйича мухтасар маълумот берилган, уларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни белгиланган, айрим семантик, структурал ва функционал хусусиятлари таҳлил этилган, рамзларнинг унга ёндош ҳодисаларидан бири – метафоралар билан ўзаро муносабати аниқланган. Маълумки, рамзлар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маърифий ҳаётда, шунингдек, бадий адабиётда энг кўп қўлланиладиган кўчим турларидан биридир. Ғарб фалсафасида мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилиб, унга доир илмий-назарий фикрлар кўп миқдорда ифодаланган. Бироқ рамз муаммоси лингвистика йўналишида у қадар чуқур ўрганилмаган. Бу фикрни ўзбек тилшунослиги борасида ҳам айтиш мумкин. Аёнки, инглиз лингвистикасида рамз тушунчаси символ термини остида ўрганилиб келинмоқда.

**Таянч сўзлар:** рамз, кўчим, символ, семиотика, метафора, маданият, график белги, аллегория.

**Шарипова Дилноза Шавкатовна**

Старший преподаватель кафедры  
иностранных языков по естественным направлениям  
Бухарский государственный университет  
e-mail: dilnoza-shavkatovna1976@mail.ru

## ВЗАИМОСВЯЗЬ СИМВОЛА И МЕТАФОРЫ

### АННОТАЦИЯ

В статье дается краткий обзор становления и этапов развития символов культурного единства, их роли в обществе, анализируются некоторые семантические, структурные и функциональные особенности, выявляется связь символов с одним из связанных явлений - метафорами. Хорошо известно, что символы являются одной из наиболее широко используемых форм миграции в социально-политической, экономической, культурной и образовательной жизни, а также в художественной литературе. В западной философии этому вопросу уделяется особое внимание, и по нему выражается большое количество научных и теоретических идей. Однако проблема символизма не была изучена глубоко в области

лингвистики. То же можно сказать и об узбекском языкознании. Очевидно, что в английской лингвистике понятие символа изучается под термином символ.

**Ключевые слова:** символ, движение, символ, семиотика, метафора, культура, графический символ, аллегория.

**Sharipova Dilnoza Shavkatovna**

Senior Lecturer of the Department of Foreign  
Languages in Natural Sciences  
Bukhara State University  
e-mail: dilnoza-shavkatovna1976@mail.ru

## THE RELATIONSHIP BETWEEN SYMBOL AND METAFORA

### ANNOTATION

The article gives a brief overview of the formation and stages of development of symbols of cultural unity, their role in society, analyzes some semantic, structural and functional features, reveals the connection of symbols with one of the related phenomena - metaphors. It is well known that symbols are one of the most widely used forms of migration in socio-political, economic, cultural and educational life, as well as in fiction. In Western philosophy, special attention is paid to this issue, and a large number of scientific and theoretical ideas are expressed on it. However, the problem of symbolism has not been studied in depth in the field of linguistics. The same can be said about Uzbek linguistics. Obviously, in English linguistics, the concept of a symbol is studied under the term symbol.

**Key words:** symbol, movement, symbol, semiotics, metaphor, culture, graphic symbol, allegory.

**Кириш.** Жаҳон тилшунослигида ҳам, инглиз ва ўзбек тилшунослигида ҳам рамзнинг лингвистик мазмун-моҳияти талаб даражада аниқ очиб берилмаган. Фалсафа, семиотика, психология, адабиётшунослик, мифопоэтика ва фольклоршунослик каби фанларда рамзлар бўйича маълум маълумотлар учрайди, унга доир айрим таъриф ҳамда тавсифлар берилган. Рамзларга оид мавжуд илмий фикрларни тизимлаштириш, уларга хос хусусиятларни очиб бериш, унга ёндош ҳодисалар – метафора, аллегория каби билан муносабатини ўрганиш, маданият ва адабиётда унинг тутган ўрнини белгилаш, семантик-структуралар жихатларини аниқлаш тилшунослик фани олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

**Асосий қисм.** Рамзга оид жуда кўплаб таърифлар мавжуд. Улар орасида энг аҳамиятлиси семиотикада берилган таърифдир. Унда ифодаланишича, рамз атамаси иккита асосий тушунчани билдиради:

- 1) расмий равишда қабул қилинган расмни белги, яъни муассаса томонидан шартли равишда қабул қилинган расмни кўриниш. Бунда жамоа аъзоларининг шартли келишуви билан муайян расмни белги ёки кўриниш қабул қилинади. Таъкидлаш ўринлики, график белги ҳам шу гуруҳга мансубдир. Масалан, тилшуносликдаги айрим шартли, транскрипцион белгиларни мазкур гуруҳга киритиш мукин;
- 2) семиотик маънодаги рамз шундай белгидирки, унинг асосий таркибидан бошқа предметнинг шакли сифатида фойдаланишни назарда тутади [9, 125 б.].

Ю.Лотманнинг таърифига кўра, рамз предметнинг баъзи бир таркибий моҳияти билан боғлиқ бўлиб, у, ўз навбатида, режа вазифасини бажаради, бошқа, одатда, маданий жихатдан қимматроқ бўлган таркиб учун ибора бўлиб хизмат қилади.

Маълумки, рамзлар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ва маданий-маърифий ҳаётда, шунингдек, бадиий адабиётда энг кўп қўлланиладиган кўчим турларидан биридир. Ғарб фалсафасида мазкур масалага алоҳида эътибор қаратилиб, унга доир илмий-назарий фикрлар кўп миқдорда ифодаланган. Бироқ рамз муаммоси лингвистика йўналишида у қадар чуқур ўрганилмаган. Бу фикрни ўзбек тилшунослиги борасида ҳам айтиш мумкин. Аёнки, инглиз лингвистикасида рамз тушунчаси символ термини остида ўрганилиб келинмоқда.

Илмий адабиётларда келтирилишича, символ термини юнонча бўлиб, белги, сигнал, шартли тил каби маъноларни англатади. Аслида мазкур сўз юнон тилида феъл, олдинги сўз билан ўзаро боғлиқ сўз бўлиб, боғланиш, тўқнашув, таққослаш, келишиш каби маъноларини ифодалайди. Этимологик жиҳатдан, символ лексемасининг семаларини ифодаловчи бу юнонча сўзлар аслида муайян объектларнинг ўзаро боғланиши, алоқага киришиши, муносабатда бўлиши каби луғавий маъноларга эга. Мазкур юнонча сўзларнинг фалсафа тарихидаги маъноси шунчалик чалкаш ва тушунарсизки, ҳар бир тадқиқотчи уларни ўзича тушунади ва изоҳлайди ҳамда уларни, одатда, аллегория, белги, бадий тасвир каби тушунчалар билан аралаштириб юборади.

Бундай чалкашликларга қарамай, фанда ушбу атамани қўллаш давом этмоқда, гарчи жуда кўп синонимларининг мавжудлиги унинг ишлатилишини мутлақо кераксиз қилса ҳам. Барча маданий тилларда бу атаманинг мавҳумлигини, ноаниқлигини тадқиқотчилар, ижодкорлар чуқур англайдилар, бироқ ундан ажралишни истамайдилар, гарчи адабиёт ва санъат назариясида бошқа таркибий-семантик категориялар мавжуд бўлса ҳам [2, 67 б.]. Ушбу факт бизни мазкур концепцияни ўрганишга ва ундан унинг синонимларида учрамайдиган ўзига хос хусусиятларни кашф этишга уринишга ундайди.

Символда маълум бир тушунча мавжуд бўлиб, у нимани англатилиши, ижодкор айтмоқчи бўлган фикрни тахмин қилишга имкон беради. Белгини талқин қилиш ақл билан эмас, балки сезги ва туйғу билан бўлиши мумкин. Рамзийлик асосида яратилган образлар ўзига хос хусусиятларга эга. Улар муайян халқ учун азиз бўлиб, қадрият сифатида эъзозланади. Рамз воқеа-ҳодиса ёки предметнинг моҳиятини ифодаловчи объект ёки сўздир. Белгида мажозий маъно бор, шунинг учун у метафорага яқин ҳодиса ҳисобланади. Бироқ бу яқинлик нисбийдир. Метафорада бир ҳодиса ёки предметнинг белгиси бошқасига тўғридан-тўғри ўхшатилади. Тадқиқотчиларнинг фикрича, рамз эса тузилиши ва маъноси жиҳатидан анча мураккаб. Унинг маъноси ноаниқ ва охиригача очиб бериш қийин, кўпинча имконсиздир.

Маълумки, XIX аср охирида Ғарб адабиётида рамзларга асосланган алоҳида йўналиш шаклланди. Символизм асосчиси француз шоири Шарл Бодлер ҳисобланади. Пол Верлен ва Артур Римаба каби шоирлар эса символизм йўналишда сермахсул ижод этиб, мазкур шеърятни кенг ёйилишига муносиб ҳисса қўшдилар. Рус адабиётида символизмнинг иккита оқими мавжуд. XIX аср охирида Минский, Мережковский, Брюсов, Балмонт кабилар ўзларини "буюк символизмчилар" деб номлаб, шу йўналишда ижод этган бўлсалар, XX аср бошларида "ёш символизмчилар" адабий оқими майдонга келди. Унинг асосий вакиллари Андрей Белый, Блок, Соловиев, Иванов кабилар эди. Андрей Белый ушбу гуруҳнинг назариётчиси эди.

Рамз предметнинг яширин моҳиятини ифодалайди ва шу билан бирга ушбу рамздан фойдаланувчига дунё ҳақидаги ғоялар ёки ғоялар тизими бўйича маълумот беради. У ўзининг мустақил моҳиятини йўқотиб, бошқа предмет белгисини ифодалай бошлайди. Адабиётда рамз предметлар, ҳайвонлар, тарихий ҳодисалар бўлиши мумкин, Жаҳон халқларининг маданият тарихида барқарор рамзлар шаклланган. Масалан, шер – куч, жасорат, ит – садоқат, тарози – адолат, таёқ – монархия, ҳокимият, ойна – бошқа дунё рамзи сифатида мавжуд. Нилуфар Европа халқлари ҳаётида поклик рамзи бўлиши билан бирга, Францияда қирол қудратининг рамзи ҳамдир. Ҳар бир халқ ўзининг маданияти хусусиятларидан келиб чиқиб, рамзларни белгилайди. Масалан, нон ва туз славян халқларида меҳмондўстлик ва дўстлик рамзи бўлса, ўзбек халқи ҳаётида тонг ёшлик, кўк ранг эса умид рамзидир.

Таркибий-мазмуний жиҳатдан рамз аллегорияга яқин туради. Унда ҳар доим яширин ўхшатиш мавжуд бўлади, у тарихий воқеа-ҳодиса билан мунтазам алоқада бўлиб туради. Ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос рамзлар тизими шаклланган бўлиши мумкин ёки икки ёки ундан ортиқ ижодкорлар учун универсал маданий рамзлар тизими воқеланиши мумкин. Рамзлар ҳодисанинг моҳиятини ифодаловчи предмет ёки сўзлардан ташкил топади. Инсоният тарихида рамз кишилар ўртасида энг қадимги ўзаро алоқа воситаси сифатида

шакланганлиги тадқиқотларда аллақачон ўз далилини топган. Масалан, қадимги Юнонистонда таёқларни тенг икки қисмга бўлиб, уларни тегишли кишиларга беришганлиги, улар қаерда бўлишидан қатъий назар бўлинган таёқлар орқали бир-бирларини таниб олганлиги айтилади. Қисмга ажратилган таёқ бу ўринда рамз бўлиб хизмат қилган.

Рамзлар муайян халқнинг ижтимоий-маданий ҳаёти, урф-одати, маросимлари, маданияти, адабиёт ва санъати, космогоник, мифологик, диний-илоҳий тушунча ва тасаввурлари билан бевосита боғлиқ тарзда шакланган. Кишиларнинг дунёқараши, яшаш шароитлари, диний ҳаёт йўлларининг ўзгариши билан рамзлар ҳам ўзгариб борган, баъзан бутунлай янгиланиб борган. Масалан, қора ранг ва қоронғулик «Авесто» асарида оқ – ёруғликнинг зидди ўлароқ таъриф ва тавсиф этилгани яхши маълум. Унда қоронғуликнинг ёмонлик, ёвузлик сифатида бошланғич қуввати – илк манбаи Ахримандир. Лекин олис ўтмишда оқ рангга нисбатан ҳам шунга яқин муносабатлар ҳокимлик қилган. Баъзи халқларда, жумладан, туркий қавмларда ҳам оқ ранг мотам, мусибат хатто қурғоқчилик аломати ҳисобланган [10, 27 б.].

Озарбойжон олими М.Саидовнинг тадқиқотларида ҳам юқоридаги қарашларга ўхшаш фикр ифодаланган. Ундан қуйидагиларни ўқиймиз: «Олтойликларда оқ ранг мотам рамзидир. Манбалар Чинда яшаган турк тилли солорлар учун оқ рангнинг бошқа маънолар билан бир қаторда, мотам тимсоли бўлганлигидан ҳам хабар берадилар. Фақат туркийларда эмас, бошқа айрим халқларда ҳам кўк ва оқ мотам, қайғу рамзи саналган» [7, 38 б.]. Эрон олими Абдулжамил Қазвиний 1161-1165 йиллар орасида ёзган «Китобуън нақа» номли асарида эронлар қора байроқ соҳибидурлар деган фикрларга жавоб тариқасида, «Шиа ҳукмдорлари яшил, оқ ва бошқа рангли байроқ соҳибидурлар. Аммо Аббоснинг шиори ва хусусий ранги бўлмиш қорани ишлатмаслар», – деб таъкидлаган экан. Чунки Ҳазрати пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг оқ, яшил, қора рангдаги уч байроқлари бўлиб, уларнинг яшили – Усмон бин Аффонга, оқи – Саъд ибн Аббодани Ансорийга, Макка фатҳидан кейин – Ҳазрати Алига, қораси эса – Аббосга берилган. Ҳижрий 200 йилда Маъмун Имом Али Розийни ўзига халифа этиб тайинлагач, Аббос ўғиллари қабул қилган қора рангни бутунлай таъқиқлаб, алавийларнинг, яъни Али авлодининг ранги сифатида яшил рангни қабул айлаган [1, 71 б.].

Туркий халқлар ҳаётига ислом дини таълимоти кириб келишидан олдин ва ундан кейин ҳам дунё томонлари ранглар воситасида ифодалангани тарихий-илмий манбаларда келтириб ўтилган. Масалан, қора ранг – шимолнинг, қизил – жанубнинг, яшил – шарқнинг, оқ – ғарбнинг рамзи сифатида амалда бўлган. Рамзда ҳаммиша кўчма маъно мавжуд бўлади, у бу жиҳатига кўра метафорага ўхшаб кетади. Бироқ, бу ўхшашлик нисбийдир. Метафорада бир объект ёки ҳодиса бошқасига тўғридан-тўғри ўхшатилади. Унинг структураси ва мажозий маъносини англаш у қадар қийин эмас. Рамз эса тузилиши ва маъноси жиҳатидан анча мураккаб. Рамзнинг тузилишини бир қадар аниқлаштириш мумкиндир, бироқ унинг моҳиятини билиш анча мушкул, тўлиқ очиб бериш эса қийин, кўпинча имконсиздир.

Метафора хусусида илмий адабиётларда турлича фикрлар ифодаланиб келинмоқда. Улардан айримларининг изоҳини қуйида келтириб ўтаемиз: “Метафора предметлар ўртасидаги ўхшашликка асосланган поэтик кўчим, ўхшашли кўчимдир” [11, 180 б.]. Қадим тарихига эга бўлган, ижтимоийиктисодий, маданий-маърифий жиҳатдан тараққий этган ҳар бир халқнинг тилида метафоралар тизими ўзига хос тарзда шакланган. Метафораларнинг катта бир қисми мифларга, анимизмга бориб тақалади. Бу метафоралар тизими авлодлардан авлодга ўтиб, таркиби бойиб боради. Метафоралар халқнинг ўзига хос анъаналари, расм-русмлари, урф-одатлари, диний эътиқоди ва маданияти билан бевосита боғлиқ тарзда пайдо бўлади. Кишиларнинг кундалик ҳаётида кўп алоқадор бўлган, улар томонидан тез-тез мурожаат этиладиган аниқ нарса, ўсимлик ва ҳайвонлар номи метафоралаштирилади. Ўзбек тилида метафоралар тизими халқнинг дунёқараши, маданияти, руҳияти билан узвий ҳолда шакланган.

Англашиладики, метафорада ўхшатишнинг тўртта узви (ўхшаган, ўхшатиш, ўхшатиш қайди, ўхшатиш воситаси)дан учтаси (ўхшаган, ўхшатиш қайди, ўхшатиш



воситаси) туширилади, фақат биттаси, яъни ўхшагангина воқеланади. Тилшунос М.Миртожиев «Ўзбек тили семасиологияси» монографиясида метафораларнинг уч тури борлигини қайд этади. Улар қуйидагилар: оддий метафора, персонификация (жонлантириш), синестезия [5, 57 б.]. Бошқа илмий ишларда ҳам метафораларнинг ушбу турларга бўлиниши айтиб ўтилган [8, 111 б.].

Метафора йўли билан кўчиришнинг асосий кўринишлари қуйидагича:

1. Бир предметнинг номи боша бир предметга шаклий ўхшашлик асосида кўчирилади: оғиз- (одамнинг оғзи) – оғиз- (шишанинг оғзи), тиш- (одамнинг тиши) – тиш- (арранинг тиши), этак- (кийимнинг этаги) – этак- (тоғнинг этаги) каби.
2. Бир предметга (баъзан ҳаракатга) хос белгининг номи бошқа бир предметдаги белгига кўчирилади: аччиқ- (аччиқ қалампир-) – аччиқ (аччиқ гап-), тўғри- (тўғри чизик-) – тўғри- (тўғри гап-), жонли- (жонли табиат-) – жонли- (жонли суҳбат-).

Бир предмет номини бошқа бир предметга белги сифатида кўчириш ҳам мавжуд: олтин (қимматбаҳо маъданнинг номи) – олтин япроқлар- (сап-сарик) каби. Бунда нарсанинг номи белгини англадиб келади. Юқоридаги мисолларда эса белгининг номи бир предметдан бошқасига кўчирилади.

3. Бир предметга хос ҳаракатнинг номи бошқа бир предметнинг ҳаракатига кўчирилади: савала- (нимани) – савала- (кимни), чўк- (чўккала-) – чўк- (иморатнинг чўкиши) – чўк- (одамнинг қариганда чўкиши) каби [6, 79 б.].

Илмий адабиётларда метафоранинг икки тури мавжудлиги айтилади. Булардан бири лингвистик метафора, иккинчиси, хусусий-муаллиф метафоралардир. Лингвистик метафоралар тил тараққиётининг маҳсули, улар, асосан, аташ, номлаш вазифасини бажаради. Масалан: одамнинг кўзи – узукнинг кўзи, одамнинг қулоғи – қозоннинг қулоғи каби.

Хусусий-муаллиф метафоралар эса ижодкорнинг бадиий-эстетик мақсади, дунёқараши ва борлиққа субъектив муносабатига кўра юзага келади. «Метафора орқали маъно кўчишида коннотатив маъно ёрқинроқ акс этади. Масалан, от, эшак, қўй, ит, бўри, тулки, йўлбарс, бойўғли, мусича, бургут, лочин, қалдирғоч, булбул каби ҳайвон ва қушларнинг номлари бўлган лексемалар мавжудки, бу сўзлар ўз маъносидан ташқари, кўчма маънода жуда кенг қўлланади. Отнинг бақувватлиги, эшакнинг ақлсизлиги, қўйнинг ювошлиги, итнинг вафодорлиги, мушукнинг эпчиллиги, тулкининг айёрлиги, бургутнинг чангаллашдаги кучлилиги, лочиннинг кўзи ўткирлиги каби типик хусусиятлари бошқа предметларга нисбатан метафорик усулда кўчирилади, натижада коннотатив маъно юзага келади ҳамда матннинг таъсирчанлиги ошади» [3, 12 б.].

Рамз ва метафоранинг ўзаро ўхшаш жиҳатлари сифатида айтиш мумкинки, иккаласи ҳам кўчимга асосланган. Рамзда ҳам метафорада ҳам воқеа-ҳодиса, предмет кабиларнинг белгиси бошқа воқеа-ҳодиса, предметларнинг белгиси сифатида воқеланади. Мазкур кўчимларнинг ўзаро фарқли жиҳатлари шундан иборатки, биринчидан, рамз умумий характерга эга, буни бошқача тарзда ифодалайдиган бўлсак, рамзнинг мажозий маъноси одатда муайян жамият кишилари томонидан умумий тарзда бир хил тушунилади. Метафораларни эса одатда ҳаммасининг ҳам кўчма маъноси одатда маълум жамият кишиларинг барчаси учун етарли даражада аниқ бўлмайди. Уларнинг айримлари, хусусан, мақол-матал таркибида барқарор бирикка айланган фразеологик бирикмаларда кўчма маъноли метафоралар нисбатан тушунарли бўлади. Бунга мисол тарзида жуда кўп халқлар, чунончи, инглиз ва ўзбек тилларида метфора сифатида мунтазам тарзда қўлланилиб келинаётган тулки (айёрлик), бўри (очкўзлик), гул (гўзаллик), кабутар (тинчлик) кабиларнинг мажозий маънолари кўпчилик учун тушунарлидир. Бироқ бадиий асарларда айрим ижодкорлар томонидан ифодаланган индивидуал метафоралар борки, уларни ҳамма ҳам англайвермайди, айрим кишиларгина тушунади. Масалан, Абдулҳамид Чўлпон шеърларидан бирида келтирилган бинафша ўсимлиги тасвирини кўп китобхонлар ўз маъносида билдилар. Аммо шоир асарида бинафша ўсимлигини ўз маъносида эмас, балки кўчма маънода, яъни озодлик маъносида қўллаган. Демак, юқорида келтирилган фикрлардан

шундай хулоса қилиш мумкинки, рамзларнинг кўчма маънолари муайян жамият кишиларига маълум бўлади ёки улар рамзларнинг мажозий маъноларидан хабардор бўлади.

Иккинчидан, рамзлар метафораларга нисбатан анча аввал шаклланган. Буни далиллаш учун илмий адабиётларда етарлича маълумотлар мавжуд. Масалан, Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида туркий қавмлар, уларнинг уруғлари, яшаш манзиллари хусусида фикр юритиб, бу қавмларнинг ҳар бирининг ўз рамзий тамғаларига эга эканлигини айтиб ўтади. Қавмлар бир-бирларини ўша тамғалар орқали билган ва таниган. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, рамз жамият кишилари учун энг қадимги алоқа воситаси ҳисобланган. Яна шуни мазкур фактлардан англаш мумкинки, рамзлар халқларнинг асосий маданий бирлиги сифатида ҳам энг қадимги даврлардан бошлаб юзага келган [4, 68 б.].

Учинчидан, рамзлар метафораларнинг шаклланишига ва тараққий этишига асос бўлган. Чунки рамзлар исталган қадимий халқларнинг маданиятида у ёки бу кўринишда ҳалига қадар яшаб келмоқда.

Тўртинчидан, метафораларда хос бўлган умумий хусусият шундан иборатки, уларда воқеаҳодиса предмет белгилари муҳим ўрин тутаяди. Бироқ рамзларда бундай хусусиятни кўрмаймиз. Рамзларда кўчим метафорадагидек белги бўлиши ҳам мумкин, шакл бўлиши ҳам мумкин. Масалан, пахта Ўзбекистон рамзи эканлигини жаҳон аҳли яхши билади. Ўзбекистонда, биринчидан, пахта ўсимлиги энг кўп етиштирилиши, халқнинг асосий экини, бойлиги ва энг муҳими, Ўзбекистон бошқа мамлакатларига пахтани кўп экспорт қилганлиги ва шу орқали бошқа халқлар шу маҳсулот орқали таниганлиги учун пахта Ўзбекистоннинг рамзига айланган. Демак, бу ўринда аниқ маҳсулот, яъни пахта кўчма маъно шакллантирилишига асос бўлган. Бундай мисолларни кўплаб келтиришимиз мумкин. Кенгуру Австралиянинг, гуллар Голландиянинг, Америка Қўшма Штатларидаги Оқ уй мустақилликнинг рамзи сифатида жаҳон аҳлига маълум.

**Хулоса** сифатида айтиш мумкинки, рамз ва метафора ўртасида кескин фарқ мавжуд эмас.

Бироқ уларни аралаштириб юбориш, бирининг номи ўрнида иккинчисини қўллаш ҳам ўринсиз. Илмий манбаларда, одатда, кўчимлар икки тур – содда ва мураккаб кўчимлар бўйича таснифланади, мураккаб кўчимлар сифатида метафора, ўхшатиш кабилар кўрсатилади. Уларда рамз метафора таркибига киритилади. Мавзу бўйича олиб борилган таҳлиллар натижасига кўра, рамз кўчимлар тизимида алоҳида ўринга эга. Рамз мураккаб, кўп қиррали кўчим турларидан бир бўлиб, у муайян предмет, тарихий воқеа, санъатнинг турли шакллари (ҳайкал, расм ва ҳ.к.), ранг воситаларида ифодаланади. Инсоният тарихидаги ёзувнинг шаклланишида, санъатнинг тараққиётида рамзлар муҳим аҳамият касб этган. Алоҳида эътироф этиш ўринлики, метафораларнинг юзага келишида рамзлар асос бўлган. Бизнингча, санъатнинг кейинги тараққиёт босқичларида эса рамзларнинг такомиллашига метафоралар сабаб бўлган. Ижтимоий онг ва тафаккур ривожиди, шубҳасиз, рамзларнинг ўрни беқиёсдир. Шунга кўра уларни турли, чунончи, лингвистик аспектда ўрганиш ҳамиша долзарб масалалардан бири бўлиб қолади.

### Фойдаланилган адабиётлар

1. Инон А. Туғ – Байроқ (Санжок) // Турк култури. – Анқара: 1966. -№ 46. –Б. 71.
2. Лосев А.Ф. Проблемы символа и реалистическое искусство. – Москва: 1976.
3. Мамадалиева М. Ўзбек тилида номинатив бирликларнинг коннотатив аспекти: Филолог. фан. номз. ... дисс. автореф. -Т.: 1998. -25 б.
4. Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит турк / Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. I-III. –Т.: Фан, 1960-1963. Т. I. 1960. –499 б. Т. II. 1961. -427 б. Т. III. 1963. -461 б.
5. Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. –Тошкент: Фан, 2010.
6. Rahmatullayev Sh. Hozirgi adabiy o`zbek tili / Darslik. –Т.: Universitet, 2006.

7. Саидов М. Кўк, оқ, қора рангларнинг эски инончлар ила алоқаси // Озарбойжон ФА хабарлари. -Баку: 1978. -№ 2. 8. Сувонова Р. Метафоралар таснифига доир // Ўзбек тили ва адабиёт.-Тошкент: 2010. -№ 6. –Б. 111-112.
9. Шелестюк Е. В. О лингвистическом исследовании символа // Вопросы языкознания. 4.- Москва: Наука, 1997. -С. 125-143. 10. Ҳаққулов Иброҳим. Яна қора ранг талқини ҳақида // Ўзбек тили ва адабиёти. -Тошкент: 1998
11. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. –Т.: Ўқитувчи, 1979. -320 б.

**СЎЗ САНЪАТИ**  
**ХАЛҚАРО ЖУРНАЛИ**  
**6 СОН, 3 ЖИЛД**

**МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ**  
**ИСКУССТВО СЛОВА**  
**НОМЕР 6, ВЫПУСК 3**

**INTERNATIONAL JOURNAL**  
**OF WORD ART**  
**VOLUME 6, ISSUE 3**